# ҲУРРИЯТ

16-22 август 2000 йил

33 (186) -сон

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган



"Ҳуррият"нинг даргоҳи кенг, кунига ўнлаб хат "Ўз оёғи" билан келса, яна шунчасини муаллифларнинг ўзлари келтиришади. Уларга жавоб қайтариш, газетада шарҳ бериш эса, албатта, таҳририят зиммасига тушади. 2-БЕТ

Хўш, август ойи Ғарб учун қандай аҳамият касб этади? Балки, шу ойда қуёш чиқмаса ҳам майлидир, шу ойда дунёни сув босса босиб кетмайдими, балки, августда нон ейишга ҳожат ҳам йўқдир?! 3-БЕТ

Ғафур Ғулом: — Пора—мора ҳам олиб турарсан? Ҳа, майли... 4-БЕТ


МУШОҲАДА

## СИЁСИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ

### Жамият мафкурасиз яшай олмайди

Бахтиёр ОМОН,
"Абу Али ибн Сино" нашриёти директори, сиёсатшунослик магистри

Мустақиллик даврида миллат эски мафкурадан воз кечмаса, бу психологик "тўсиқ" ечилмаса, уни халқ оммасига сингдириш қийинроқ кечади. Юртбошимиз 2000 йил 6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган давра суҳбатида куйиниб гапирганидек, айни дамда жамият миллий руҳда ёзилган ўқув ва болалар адабиётларига катта эҳтиёж сезмоқда. Таълим (мактаб ва институт) ва тарбия (оила, маҳалла, мактаб) тизимидаги маънавий бўшлиқни биринчи галда тўлдириш зарурати туғилмоқда. Негаки, ўқув ва болалар адабиёти саҳифасидаги қаҳрамонлар мард, олижаноб, ростгўй бўлиши керак, бизда эса айёр, қаллоб, одобсиз "қаҳрамон"лар сиймоси ҳали-ҳануз камайган эмас. Бунинг устига, мактаб ўқувчиларининг физика, математика, чизмачилик каби аниқ фанлардан безиб қолаётганлиги, механика, энергетика касбларига қизиқиш сўнаётганлиги, "мен ҳуқуқшунос ё солиқчи, божхоначи бўламан — жазолайман, текшираман!" дейдиган ўсмирларнинг кўпаяётганлиги ҳаммамизни чуқур мулоҳазага чорлаши керак.

Шу ўринда, "мафкура" сўзи ҳақида икки оғиз сўз юритайлик. Бундан 203 йил олдин француз олими Дестут де Траси биринчи марта "мафкура" (идеология) атамасини ишлатган эди. Дарвоқе, мафкура — манфаатларни илгари суради, у сиёсий онгни шакллантириш усулларидан биридир. Инсоннинг сиёсий онги шаклланиши узоқ жараён бўлиб, сиёсий мафкура (манфаатлар), сиёсий дунёқараш (таълимот, доктрина), сиёсий психология (руҳият) га эга бўлгандагина унга эришилади.

Мафкура — мавжуд тизим асосида шаклланган дастурий кўрсатмаларни амалга ошириш стратегияси, дастурни амалга оширишга доир аниқ ўзгартиришлар ёки ҳаракатлардир. У турган гапки, миллатнинг инқирозга юз тутишига йўл қўймайди.

Президентимиз илмий асарларида миллий истиқлол ғояси — "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" ғояси ва уни амалга ошириш йўллари илгари сурилган. Халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат қиладиган мазкур ғояни кенг халқ оммасига ёйиш учун устувор вазифаларимиз нимадан иборат бўлади?

Биринчи ва энг муҳим масала, бу — таъсирчанлик. Миллатни бир ғоя атрофида бирлаштириш учун ҳар бир тадбирда мақсад аниқлиги ва таъсирчанлик зарур бўлади. Токи, биз Мустақиллик байрамига тайёргарлик ҳамда барча маънавий-маърифий тадбирларда қуруқ расмиятчилик, одамларга таъсир кўрсатмайдиган сийқа усуллардан воз кечмас эканмиз, кўзлаган режаларимиз ижроси чўзилади. Биз биринчи навбатда, кучли ораторлар армиясига суянишимизга ҳам тўғри келади. Истеъдодли нуктадонлар гуруҳи жамиятни истиқлол ғояси атрофида бирлаштириш қудратига эга эканлигига ишонаман. Улар "Маънавият ва маърифат" кенгаши қошида йиғилса ва янги концепцияни амалга оширувчи кучга айланса, айни муддао бўларди.

Менимча, миллий мафкурани шакллантириш даври чин ватанпарвар зиёлилар, сиёсатчилар, маърифат ва маданият аҳли учун ҳақиқий синов, имтиҳон даври бўлиб қолади. Жаҳон тарихида бундай фидокор кучларни инқилобчиларга ўхшатишлари бежиз эмас.

Иккинчидан, миллий ғоя ва миллий мафкура ҳозирданоқ таълим тизими шахобчаларида тўлиқ ўрин олиши керак. Япония, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси бунга жонли мисол. Мен ўзим икки йилдирки, Ўзбекистон Қаҳрамони М.Исматова раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳридаги 273-лицей мактабда шанба кунлари дарс бериб келаман. Биз истеъдодли болалардан ташкил топган 6-"Б" синфини танлаб олганмиз. Ўқувчилар журналистика дарсида ахборот, хабар, мақола ёзиш, газета-журналларни таҳлил қилиш билан бирга, республика ҳаётига оид турли масалалар ҳақида ўзларининг эркин, ошкора фикрларини билдирадилар. Болаларнинг тўғрисўзлиги, синчковлиги, топқирлиги, ҳушёрлиги, келажакка ишончи мени лол қолдиради. Чунки булар эркин, истиқлол фарзандлари. Назаримда, бугунги мактаб ўқувчиларига миллий ғояга хизмат қилувчи зарур адабиётлар етказилса, мустақил фикрлашга ўргатилса, эртанги фидокор ташаббускор ёшларимиз сони янада кўпаярди.

Яна бир таклиф. Агар кунчиқар мамлакати Япониядагидек, бизнинг ўғил-қизларимиз ҳам боғча, мактаб, лицей, коллеж ва институтларга қадам қўйиши биланоқ: "Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонаман!" деб қалбларида ғурур туйғусини уйғотувчи сўзларни тик турган ҳолда такрорлаб, илк сабоқни бошлашса нур устига нур бўлур эди. Зеро, миллий ғурур бўлмаса, миллий мафкура бўлмайди.

Учинчидан, жамият барометри вазифасини ўтайдиган матбуотнинг таъсирчанлиги, таъсир доирасини кенгайтириш вақти етиб келди. Нега "Труд", "Аргументы и факты" газеталари мароқ билан ўқиладию, республикамиз газеталарини варақлаганда зерикиб кетамиз, деган саволга жавобни кечиктирсак; биз фурсатни бой берган, Мустақиллик берган имкониятдан фойдаланмаган бўламиз. Дарҳақиқат, матбуот сиёсатида янгиланиш юз бермас экан, миллий ғоя ва миллий мафкура (идеология) га лоқайд бўлган баъзи кучларнинг "фаолияти" сирлигича очилмай қолаверади.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида таъкидлаганидек, "айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак".

Бунинг устига, Тошкентда чоп этилган республика газеталари ҳатто чекка-чекка қишлоқларга етиб бормаётганлиги, демакки, ҳукумат қарорлари айрим туман корхоналари, хўжалик раҳбарлари, мактаб директорларига кечикиб етказилаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Нашриётлар чиқарадиган китоблар ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Кутубхоналарни янги давр руҳидаги истиқлолга хизмат қилувчи китоблар билан тўлдириш масаласини ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш фурсати етиб келди.

Тўртинчидан, бугунги кун Ўзбекистон телевидениеси иш услубини ўзгартириш зарурлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Сўнгги йилларда телевидение матбуот ўрнини бирмунча эгаллаб, инсон тафаккурига тез таъсир кўрсатувчи кучли воситага айланди. Сир эмаски, фуқароларимиз ишдан келган заҳоти зангори экран қаршисига ўтирадилар ва уйқуга кетгунча ундан нари кетмайдилар. Хўш, ўзбек телевидениеси томошабин эҳтиёжини қондиряптими? Тўғри, охирги пайтларда телевидениемиз мустақиллик ғояларини, Президентимиз нутқлари ва фикрларини халққа оператив етказиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Аммо иш услубидаги битта камчилик — бошловчининг кўпроқ ўзини реклама қилиши, арзонгаров суҳбат-кўрсатувлар, "Табриклаймиз-қутлаймиз"лардан ҳаракатдаги жонли телевидение экранига айланиш масаласи ҳамон ечилган эмас. Томошабинлар бир хиллик, мусиқавий такрорлар, санъаткорларнинг зўраки оилавий тасвирлари, ғарбона видео-шоулардан жуда зерикиб кетишди...

Оқсаройдаги мулоқот том маънодаги янгилик тарафдорлари, истиқлол фидойилари учун уйғониш онлари бўлди, десак янглишмаймиз. Ўз навбатида, у мустақиллик даври ислоҳотлари жараёнидан узоқда бўлган кимсаларга огоҳлантириш вазифасини ҳам ўтайди.

Мени бир ношир ва публицист сифатида суҳбатда кўтарилган кўпдан-кўп масалалар ечими ҳануз ўйлантиради. Истиқлол йилларида "Ватан туйғуси"дан бўлак ёшлар эҳтиёжини қондирадиган пишиқ-пухта адабиётлар яратилмагани, китобларимизда маърифатни, миллий ғурур ва ифтихорни кўтаришга ундайдиган фикрлар камлиги, ёт мафкура қолдиқларидан иқтибослар келтириш ҳолларига барҳам берилмагани мени қийнайди, хатоликларни тезроқ тузатишга сафарбар этади.



— Ҳали кў-ў-п нарсаларни ёзаман!

МУНОСАБАТ

## "ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!"

*Қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг "Найман она"сини ўқиганимда, тўғрисини айтсам, йиғлагандим. Бир неча кунгача ўзимга келолмай юргандим. Чунки ўз онасини ўлдирган манқуртдан яна нимани ҳам кутиш мумкин...*

*Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг Узун туманининг тоғли ҳудудларида жойлашиб олган бир гуруҳ манқурт ва ғаламисларни эшитиб, нафратланиб кетдим. Наҳотки улар тинчгина яшашни ўзига эп кўришмаса?! Бир тўда ватанфурушларнинг гапига кириб, тузоғига илиниб, керак бўлса, ўз онасини ҳам танимай, сарсон-саргардон бўлиб юрганларнинг асл мақсади нима экан? Уларга Ўзбекистон нима учун керак бўлиб қолди? Жангарилар ҳар қанча чиранмасин, тиришмасин, барибир ўз мақсадларига эришолмайдилар. Биз ёшлар бунга йўл қўймаймиз. Керак бўлса қаламимизни қуролга айлантириб улар билан курашамиз. Севимли хонандамиз Юлдуз Усмонова айтганларидек, "Ҳеч кимга бермаймиз сени, ЎЗБЕКИСТОН!"*

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

ЯНГИЛИК!

## МАҲАЛЛАДА КУТУБХОНА

**Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Абдулхай Тожиев маҳалласида кеча шинамгина кутубхона очилди! Бу ташаббус мамлакатимиз бўйлаб қанот ёзса қани эди!..**

## ВАТАНГА КЎТАРИЛГАН ҚЎЛ — КЕСИЛАДИ!

**Миллий тикланиш демократик партияси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди, унда мамлакатимиз жанубидаги сўнгги нохуш воқеалар ҳақида фикр—мулоҳазалар билдирилди**

**Иброҳим ҒАФУРОВ:**
— Нега энди қаёқдаги олчоқларга тоғларимизнинг чўққисини бериб қўйишимиз керак?! Жиртаки ялоқхўрлар юртимизга қадам босмасин!..

**Ўткир ҲОШИМОВ:**
— Ким ўзи, улар?! Ўзбекистон номидан гапиришга уларнинг қандай ҳаққуқи бор?!

**Зокиржон МАШРАБОВ:**
— Юртимиз тинч бўлиши учун биз ён қўшниларимизни ҳам огоҳликка чақирмоғимиз керак.

**Ойдин ҲОЖИЕВА:**
— Шаҳид кетган Бобуржоннинг онаизори кўзига заррача ёш олмай сўнгги нафаси қолгунича босқинчи тўдаларга қарши курашган ўғли ҳақида гапирганини кўриб ОНАЛАРИМИЗ УЙҒОҚЛИГИГА амин бўлдим!

**Рустам ЖУМАЕВ:**
— Бир сўз билан сира иккиланмай "каллакесарлар" деб айтиш мумкин бўлган ёвузлар қандай қилиб халқ орасида обрў топа билади?! Ахир улар озмунча бегуноҳни ҳаётдан жудо қилганини кўзи очиқ инсонлар кўриб-билиб турибди-ку!

**Ашурали ЖЎРАЕВ:**
— Ёвузларнинг кўзини мошдай очишимиз учун ўзимиз доимо ҳушёрликни унутмайлик!..

**Абдуғафур РАСУЛОВ:**
— Ҳар биримизда жангчи руҳи яшамоғи зарур!..

**Мирпўлат МИРЗАЕВ:**
— Уларнинг ниқобини юлиб ташлаб, кирдикорларини фош этиш керак. Ватанга кўтарилган қўлнинг қисмати битта - кесилади!!!

ОФАРИН!

## ҲАР БИРИГА 1 МИЛЛИОНДАН !

**Газетамизнинг 12-18 июль сонида Андижон вилоят ҳокимлигининг махсус қарори билан вилоятдаги газеталарга амалий ёрдам сифатида 7 миллион сўм ажратилгани ҳақида хабар бергандик.**

**Андижонликларнинг бу хайрли иши бошқа вилоятларга ҳам қанот қоқа бошлади. Наманган вилояти ҳокимлигининг хатига асосан туман ҳокимликлари ўз муассислигидаги газеталарнинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан маблағ ажратишга қарор қилишди.**

ММMда

## НЕГА БЕФАРҚСИЗ, МУҲАРРИР?

Баҳриддин МИНГБОЕВ

Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази мамлакатимиздаги етакчи нашрлар бош муҳаррирларини ва ахборот агентликлари раҳбарларини "Ўзбекистонда ахборот бозорининг шаклланиши: ютуқ ва муаммолар" мавзуидаги давра суҳбатига таклиф этиб, матбуот бозор шароитида ўзини қандай ҳис этаётгани, мавжуд камчиликларни аниқлаб уни бартараф этиш юзасидан фикр алмашишни назарда тутган эди.

Бу галги учрашувнинг авалгиларидан фарқи шу эдики, айни пайтгача тадбирларнинг аксарияти журналистлар ва бошқа соҳа вакиллари ўртасида бўларди. Яъни, журналистларни магнитнинг мусбат томони деб оладиган бўлсак, манфий томон бошқа соҳа вакиллари бўларди. Галдаги учрашув эса, физика тили билан айтганда, икки мусбат томон ўртасида бўлиб ўтди. Физика қонунларидан маълумки, икки бир хил қутб ҳеч қачон бир-бирига тортишмайди, аксинча улар бирбиридан қочадилар, шунданми, давра суҳбатига таклиф қилинган муҳаррирлардан бор-йўғи бир нафари ташриф буюрди. Айрим газета муҳаррирлари эса давра суҳбатига мухбирларни жўнатиш билан чекланишди, холос.

Шунга қарамай, учрашув жуда қизиқарли кечди. "ЎзА", "Жаҳон" ва "Туркистон-Пресс" ахборот агентликлари раҳбарлари бугунги кунда мамлакатимизда шаклланаётган ахборот бозори, ОАВ билан алоқалар, ютуқлар ва камчиликлар ҳақида йиғилганларга сўзладилар.

Бугунги кунда ҳар бир ахборот агентлиги ўз мустақил йўналишига эга бўлиб, фаолиятларини ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни қўлламоқдалар. Ўз ахборотларини барча ОАВга обуна йўли билан тарқатмоқда. Лекин, афсуски, таклиф талабдан устунлик қилмоқда. Шу туфайли ҳам агентликлар энг қимматбаҳо товар — ахборот сотаётганларига қарамай иқтисодий жиҳатдан бақувват бўла олмаяптилар. Бу хорижда ва Республикамизда мухбирлар тармоғини кенгайтириш, моддий техника базасини мустаҳкамлашга монелик қиляпти.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда деҳқон ва чорвадор ўзи етиштирган нарсани якка ўзи баҳолай олмаганидек, ахборот нархини ҳам ҳеч ким якка ўзи белгилай олмайди. Ахборотнинг қанчалик қимматга эга эканлигини мухлис ва ўқувчи белгилаб беради. Шундай экан, ахборот тарқатувчи агентликлар ўзлари тарқатган хабар ва мақолаларни пухта ва қизиқарли қилмас экан, унга нисбатан талаб ҳам ҳаминқадар бўлади. Бош муҳаррирларнинг бефарқлигига келсак, балки шу боис нашрларимиз ўқувчи талаби даражасида қизиқарли бўлмаётгандир.

ЛУҚМА

## "КЕЛИНСАЛОМ"ГА НА ҲОЖАТ?!

Урганчдаги Жалолиддин Мангуберди хотира майдони ёнидаги "Полвон" каналининг кўпригидан ўтиб салгина юрсангиз, чап томонда вилоят ҳокимлиги биноси, ўнгингизда эса Огаҳий номли театр жойлашган. Айни ана шу биноларнинг тўғрисида — йўлнинг ўртасида "Стоп!" йўл белгиси қўйилган. Айтиб ўтиш ўринлики, икки томонлама йўл жуда текис, шунга яраша машиналарнинг тезлиги ҳам анча юқори бўлади, лекин "Стоп!"га бўйсунмасдан иложимиз йўқ.

Тормозни босасиз, тажангроқ бўлсангиз, жаҳлингизни ёзиш учун бир сўкиниб оласиз. Чунки машинани тўхтатиб, яна юрганингиз учун олтиндан ҳам қиммат вақтингиз кетади — бир, тормоз ва баллонларингиз емирилади — икки, яна катта тезлик олиш мақсадида кўпроқ бензин сарфлайсиз — уч, натижада ҳавони кўпроқ ифлослайсиз — тўрт...

Таажжубки, вилоят ҳокимлиги ҳамда Огаҳий театри биносига ярим-бир соатда икки-уч машина келиб-кетишини айтмаганда "Стоп!" қўйилган ерга четдан бирон-бир йўл ҳаракати келиб қўшилмайди. Шундай экан, унга ҳожат борми?!

Бир куни шу ердан пиёда ўтаётиб, четдан кузатиб турдим: ғизиллаб келаётган турнақатор машиналар бирдан тормоз беради, олд қисми пастга эгилади, худди икки қўлини кўксига босиб салом бераётган келинчакка ўхшаб кетади шу тобда. Ҳар куни минглаб машиналар ўтади: ҳоким бувaларга — минг келинсалом, ойда миллионлаб автоулов қатнайди — демак, миллион келинсалом! "Стоп!"ни ДАН ходимлари ҳоким бувaларга атайин салом бердириш учун ёки мана, биз яхши ишлаяпмиз, деб ўзларини кўрсатиш мақсадида қўйишмаганмикан, деган савол ўтади кўнглимиздан.

Ўша куни салгина нарироқда турган (шошиб тўхтамай ўтиб кетадиган "штраф"чиларни шилиш учун) "Ола таёқ"дан сўрадим:

— Четдан бирон-бир ҳаракат келиб қўшилмагани ҳолда нега йўл ўртасига "Стоп!"ни қаққайтириб қўйибсизлар, кўпчилик овора бўлиб, қийналяпти-ку?

— Ҳа, энди, ёшулли-пошулли идорасидан чиқса, мошина-пошина қоқиб юбормасин, деймиз-да!

Бу белгининг қўйилишида ҳокимликдагиларни айбламоқчи эмасмиз, худо сақласин, бутун вилоятнинг ташвишлари шуларнинг зиммасида, балки эътибор ҳам беришмагандир бунга. Бироқ ДАН ходимлари бу белгининг керак-нокераклигини обдон ўйлаб кўришса, олиб ташлашса (ахир олдин қўйилмаганда бирон-бир воқеа содир бўлмади-ку!) кўпчиликнинг дуоси тагида қолишарди. Мабода заруратсиз келинсалом керак бўлса, майли, тураверсин, зоримиз бор, зўримиз йўқ.

**Шавкат БОЛТА,**
**журналист**

ТИЛИМИЗ

## "РИШТОНЧИ", "БАҒДОДЧИ"?!

### Ёхуд "чи-чи"лар қачон тугатилади?!

Маълумки, "- чи" қўшимчаси сўз ясовчи қўшимчадир. Бу қўшимча баъзида конкрет шахснинг бирор клуб, оқим ёки жамиятга мансублигини ҳам билдиради. Шахснинг бирор шаҳарга боғлиқлиги ҳам шу қўшимча билан ифодаланган ҳолат бор. Масалан, "Масковчи бой...". Бироқ бу қоидадан кўра кўпроқ истиснога яқин... Ҳар ҳолда мен шу кунгача Тошкентчи, Самарқандчи ё Қўқончи деб ёзилганини кўрмадим, айтилганини эшитмадим...

Шўролар даврида Республикамиздаги икки таниқли жамоа "Касансаец" ва "Шахриханец" деб аталарди. Кейинроқ уларнинг номлари "Косонсойчи" ва "Шаҳрихончи" деб хато таржима қилинди. Ҳозирда эса улар "Милан", "Барселона", "Тулуза" клублари каби "Косонсой" ва "Шаҳрихон" деб аталмоқда. Бу тилимиз қоидаларига ҳам мосдир. Бироқ, 2000 йилнинг иккинчи ярмида ҳам Фарғона вилояти биринчилигида қатнашаётган Риштон ва Бағдоднинг жамоалари "Риштончи", "Бағдодчи" деб аталишини "Ўзбекистон футболи" газетасида ўқиб, тўғриси, ҳайрон бўлиб қолдим. Нима бу? Яна асли "Риштанец" деб тегишли ҳужжатларда ёзилган жамоа номини "Риштончи" деб таржима қилишми? Агар шундай бўлса, "Риштончи" эмас, "Риштонлик" бўлиши керак! "Ўзбекистон футболи"да Жиззах ва Самарқанд вилоятлари биринчиликлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бу вилоятлар жамоалари номларида юқоридаги каби "- чи, - чи" лар йўқ. Яъни "Иштихончи" эмас, "Иштихон", "Зоминчи" эмас, "Зомин" ва ҳ.к.

Бу ҳолатга Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона вилоят Футбол федерациялари муносабат билдирадилар ва айтиб ўтилган икки жамоа номларини тезда ўзгартирадилар деб умид қиламиз.

**Даврон МУТАЛОВ**

ҚИЁС

**Айни пайтда 3.5 миллиард киши яшаётган Осиёда 2050 йилга бориб, аҳоли сони 5.6 миллиардга етади. Европаликлар сони эса 727 миллиондан 678 миллионга камаяди**

РАҚАМ

**Дунё бўйича ҳар йили 7 миллион аёл соғлиғи билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда**

